O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!


# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 101 (9.139) * 1998 йил 28 август, жума * Сотувда эркин нархда


## КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ИФОДАСИ

***Халқимизнинг энг улуғ айёми — Истиқлолнинг 7 йиллиги байрамига саноқли кунлар қолди. Юртимизда, мана етти йилдирки, бу қутлуғ кун катта меҳнат ғалабалари-ю улкан бунёдкорлик ишлари билан кутиб олинади. Байрам арафасида ишга туширилаётган янги-янги корхоналар, барпо этилаётган иншоотлар, бинолар, боғ ва хиёбонлар мамлакатимиз меҳнаткашларининг улуғ айёмга ўзига хос тўёналаридир.***

***Президент Ислом Каримов 26 август куни пойтахтимиздаги ишга туширилаётган ана шундай янги иншоотларни кўздан кечирди.***



Дастлаб йўлбошчимиз Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида амалга оширилган таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан танишди. Таъмирдан сўнг мазкур боғда дам олувчилар учун барча шароит яратилди. Унда кўплаб фавворалар, сув ҳавзалари, спорт майдончалари, маданий иншоотлар, овқатланиш ва савдо шохобчалари барпо этилди. Давлатимиз раҳбари мазкур боғни шаҳарликларнинг севимли дам олиш масканларидан бирига айлантириш зарурлигини уқтириб, бу борада ўз таклифларини айтди.

Президент Ислом Каримов боққа туташ «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг таъмирланган биносини кўздан кечирди. Жумладан, йўлбошчимиз уюшма корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди. Бино безаклари ва меъморий ечимини янада такомиллаштириш юзасидан зарур маслаҳатлар берди.

Уюшма биноси олдидаги майдонда бунёд этилган улкан фаввора давлатимиз раҳбарининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Президент фаввора меъмори, қурувчи-ю лойиҳачиларга алоҳида миннатдорлик билдирди. Шу билан бирга фаввородан отилиб чиқаётган сув ўзига хос шакллар ҳосил қилиб, унинг жозибадорлигини оширганини таъкидлади.

Пойтахтимиз марказидаги Сайилгоҳ кўчаси шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонларининг севимли жойига айланган. Сўнгги олти ой давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Эскириб қолган иморатлар бузилиб, ўрнида замонавий савдо маркази, ажойиб фавворалар, яшил майдонлар пайдо бўлди. Ислом Каримов бу ерни кўздан кечирар экан, аввало, мазкур кўчани том маънодаги маданий ҳордиқ масканига айлантириш лозимлигини уқтирди. Барпо этилажак мажмуанинг асосий маркази Темурийлар тарихи давлат музейи бўлиб, қолган бино ва иншоотлар унинг салобатини янада ошириши зарур, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб қайтариб, жумладан, шундай деди:

— Тошкент нафақат Ўзбекистонимиз пойтахти, балки Марказий Осиёнинг маркази сифатида ўзининг тарихий салобатини бугунги кунда яна бир бор намойиш этмоқда. Унинг кундан-кунга чирой очиб бораётгани ҳақиқатан ҳам Шарқ дарвозаси эканлигини исботламоқда. Илгарилари пойтахтимиздаги қурилишлар ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида олиб борилиб, шаҳарнинг умумий меъморий тизимини ҳосил қилмас эди. Бугунги вазифамиз шаҳарнинг тарихий кўркини тиклашдир. Амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимиз нафақат ҳозирги авлод учун, балки келажакка қаратилган бўлиб, эртанги кунга ишончимизнинг ифодасидир.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг савдо-кўргазма мажмуини барпо этиш ишлари билан ҳам яқиндан танишди. Амир Темур кўчаси бўйлаб жойлашган бу мажмуа доирасига ҳозирда фаолият кўрсатаётган «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, қурилиши давом этаётган Бизнес-марказ ва бошқа кўпгина бинолар киради. Давлатимиз раҳбари байрам арафасида ишга тушириладиган Савдо маркази (Шоппинг-центр) биносини кўздан кечирди. Унинг замонавий талаблар даражасида бунёд этилганидан мамнуният изҳор этди. Мажмуанинг қурилиш лойиҳаси билан танишиб, керакли тавсиялар берди.

Президент Ислом Каримовнинг пойтахт иншоотлари билан танишуви чоғида унга Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

*Беҳзод УСМОН,*
*ЎзА мухбири,*
*Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.*





*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

*Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга* ***«Ўзбекистон Қаҳрамони»*** *унвони берилиб, олий нишон —* ***«Олтин Юлдуз»*** *медали топширилсин:*

**ЗИЯТОВ Парда** — Жиззах тумани, Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Жиззах вилояти

**ОБИДОВ Қобилжон Ғофурович** — Андижон вилояти ҳокими

**ОРИПОВ Абдулла** — Ўзбекистон халқ шоири, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси

**ТУРДИЕВ Жонсаид** — Олмалиқ кон-металлургия комбинати «Қолмақир» кони экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**ҚУРБОНОВ Анвар Сарманович** — «Сирдарёжамқурилиш»га қарашли 49-кўчма механизациялашган колоннанинг бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*И. КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 26 август

*Ўзбекистон Қаҳрамонлари*

## «БУ ЖУДА КАТТА ШАРАФ»



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганлар орасида Ўзбекистон халқ шоири, республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов ҳам бор. Президентимиз Фармони эълон қилиниши биланоқ «Тошкент оқшоми» мухбири юксак мукофот билан тақдирланиш бахтига муяссар бўлган севимли шоир билан боғланди ва ҳаётидаги ана шундай қувончли дамларда унинг қалбида кечаётган ҳис-туйғулар тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.***

— Бу мен учун жуда катта шарафдир, — дейди Абдулла Орипов. — Ана шунга ўхшаш ҳоллар инсон ҳаётида жуда ҳам оз бўлади. Лекин бундай ҳоллар зоҳир бўлганда у ҳар бир инсонни ниҳоят даражада ҳаяжонлантириб ва илҳомлантириб юборади. Ана шундай ҳолларда ҳар қандай инсон ўз халқи ва давлати учун янада кўпроқ ишлар қилиши кераклигини дилдан ҳис этади. Бундай мукофотнинг яна бир қувончли ва файзиёб томони шундаки, унга мамлакатимизнинг барча аҳолиси учун турмушимизнинг турли жабҳаларида бекиёс имкониятлар очиб берган республикамиз Мустақиллигининг етти йиллиги арафасида муяссар бўлмоқдамиз. Каминага билдирилган бундай шараф муҳтарам Президентимизнинг ёзувчилар меҳнатига эътибор бераётганлигига яна бир ёрқин далилдир. Ана шу боисдан ҳам менинг ҳамкасб дўстларим ушбу мукофотни нафақат менга, балки ўз навбатида ўзларига берилган мукофот сифатида ҳисобламоқдалар. Шунинг учун биз давлатимиз раҳбаридан жуда ҳам миннатдормиз. Ўзимга келганда яна шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ўзимнинг бутун куч-ғайратимни сарфлайман.

**— Абдулла Орипович, ўзингиз учун қувончли бўлган ана шу дақиқаларда ва бутун мамлакатимизнинг байрамона кунларида «Оқшом» газетаси муштарийларига қандай тилак ва истаклар билдирасиз?**

— Қирқ йилдирки, мен Тошкентда яшайман. Мен ўз шаҳримни ва бу ерда яшаётган инсонларни севаман. Республикамиз пойтахти ҳар доим ўзининг саховати, гўзаллиги ва меҳр-муҳаббати билан шуҳрат қозониб келган. Шу боисдан ҳам мен Тошкентнинг янада гуллаб-яшнашини чин дилдан истайман, ўзимнинг кўплаб шеърларимни бағишлаган унинг аҳолисига тинчлик, барқарорлик ва оилаларида хотиржамлик тилайман.

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, Пахтакор — Янгиер — Тошкент магистрал газ қувурини, Олий Мажлис биносини қуриш ва ишга туширишдаги фидокорона меҳнати, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган юбилей иншоотлари ва тантаналарни тайёрлашдаги хизмати, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун республика нефть ва газ саноатининг қатор корхоналари, қурилиш ташкилотлари идораларининг алоҳида намуна кўрсатган ишчи ва хизматчиларидан тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимиздан Тошкент шаҳридан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганларга

**КЕЧА**

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида мукофотлар топширилди.***

Мукофотларни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков топширди ва Ватанимиз мукофотларига сазовор бўлганларни қизғин табриклади.

Мукофотларни топшириш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов қатнашди.

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи мамлакатимизда фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, юрт истиқлолини мустаҳкамлаш, маънавиятни юксалтириш, тинчлик ҳамда барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар.

Тошкент шаҳридан Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотларига сазовор бўлганларнинг батафсил рўйхати — «Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз ишини бошлади.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг етти йиллиги арафасида Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги «Гулистон» жамоа-ширкат хўжалигида пахта тозалаш заводи ишга тушди. Бу корхона йилига 30 минг тонна хом ашёни қайта ишлаб бериш қувватига эга.

● Вазирлар Маҳкамасида «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш» лойиҳаси бўйича Ўзбекистон ҳамда Япония ҳукуматлари ўртасида Алмашув ноталарини имзолаш маросими бўлди. Унга кўра, Япония ҳукумати Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун мамлакатимиз ҳукуматига 400 миллион иен грант ажратди.

● Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси долзарб масалаларга бағишланган энг яхши тадқиқотлар ҳамда ҳаётга татбиқ этилган илмий ишлар учун республика миқёсида танлов эълон қилган эди. Ана шу танловга якун чиқарилди. Танлов ғолибларига Фан ва техника Давлат қўмитасининг мукофотлари ва дипломлари топширилди.

● Кеча «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида тайёрланаётган янги «Ил-114» самолётида Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйича биринчи тижорат парвозини амалга оширди.

● Тошкент туманида «Ғиштკўприк» божхона мажмуи очилди. Буюк Ипак йўлида жойлашган мазкур мажмуа нафақат икки чегарадош республика — Ўзбекистон ва Қозоғистон, балки хорижий мамлакатлар юк ташувчи транспорт воситаларининг ўтиши белгиланган маскан бўлиб хизмат қилади.

● Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Улуғбек номли хўжаликда Мустақиллик байрами арафасида помидорларни қайта ишлайдиган янги цех фойдаланишга топширилди.

● Бугун республика рассомлик коллежида Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган «Энг улуғ, энг азиз» республика бадиий кўргазмаси очилди.

● Фарғона туманидаги сўлим Ёрдон қишлоғида вилоят солиқ бошқармасининг дам олиш маскани ишга туширилди. Бу ерда солиқ хизмати ходимлари ўз оила аъзолари билан дам олиши, спорт билан шуғулланиб, тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиши учун барча шароит яратилган.

● Наманган шаҳридаги Бобур марказий боғида шаҳар маъмурларининг ташаббуси билан икки кун мобайнида гуллар байрами ўтказилди.

● Муассиси «Муштум» журнали жамоаси, ҳомийси республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти бўлган «Афанди» газетасининг нишона сони нашрдан чиқди.

### ЖАҲОНДА

● Россия Бош вазири вазифасини бажарувчи Виктор Черномирдин Қримда Украина Президенти Леонид Кучма ва Белоруссия Президенти Александр Лукашенко билан учрашиб, уч мамлакат иқтисодиёти интеграцияси бўйича маслаҳатлашди.

● Тожик мухолифатининг вакиллари БМТ кузатувчиларининг тўрт ходими ўлимида гумон қилинган уч кишини қўлга олганликларини айтдилар.

● Кеча Молдова Мустақиллик кунини тантанали равишда нишонлади.

● Болгария Президенти П. Стоянов Москвага ташриф билан келди. Бугун унинг Россия Президенти Б. Ельцин ва Бош вазир вазифасини бажарувчи В. Черномирдин билан учрашуви бўлади.

● Кеча қуролланган гуруҳ Тожикистоннинг Турсунзода шаҳри мэри Н. Хайруллаев ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларга ҳужум қилди. Шунинг оқибатида Н. Хайруллаев ва унинг ходимларидан тўрт киши ўлдирилди, яна ўн киши жароҳатланди. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган милиционерлар билан отишма пайтида ҳужум қилганлардан яна бир киши ўлдирилди. Кейинчалик унинг исёнчи полковник М. Худойбердиев тарафдори эканлиги маълум бўлди.

● Филиппин пойтахти Манилада юз берган фожиада ўнлаб кишилар ҳалок бўлишди. Фожиа тафсилотларида айтилишича, давлат томонидан ижтимоий ёрдам берилишини эшитган минглаб одамлар мамлакат президенти қароргоҳига йиғилганлар. Қароргоҳ дарвозалари очилгандан сўнг, ёрдамга муҳтож оломон ёппасига ўзини ичкарига уриб бир-бирини босиб-янчиб олдинга талпинган ва оқибатда бир қанча одамлар оёқ остида қолиб қурбон бўлган.

● Ҳиндистонда рўй берган сув тошқини бир миллиондан ортиқ одамни ўз гирдобига тортиб олди. Қутқарув ишларига Ҳиндистон армияси ҳам келиб қўшилди.

● 31 августда Белфастда аёллар ва демократия мавзуига бағишланган халқаро анжуман очилади.

